
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР СОНИ 2022 ЙИЛДА 6,7 ФОИЗГА ОШИБ, БУГУНГИ КУНДА 51 МИНГДАН ЗИЁДНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

2023 йил 1 январь ҳолатига Фарғона вилоятида фаолият юритаётган юридик шахслар сони 51 161 тага етиб, бу рақам ўтган йил бошига нисбатан 6,7% га ўсди. 2022 йил 1 январда вилоятимиздаги фаолият юритаётган юридик шахслар сони 47 934 тани ташкил этган.

Хусусан, соҳалар кесимида олиб қараганда, бугунги кунда вилоятимизда саноат соҳасида 7940 та, қурилиш соҳасида 2796 та, қишлоқ хўжалигида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 9838 та, улгуржи ва чакана савдода 11196 та, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳасида 5890 та юридик шахс фаолият олиб бормоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-20 14:37:45